

Расулуллоҳни эсласам!!!

10:33 / 24.03.2017 3496

Расулуллоҳни эсласам, оламларга раҳмат бўлган улуғ зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, қиёматгача барча инсонларга юборилган сўнги пайғамбарни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, набийларнинг хотами, ундан кейин пайғамбар келмайдиган буюк зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, буюк хулқ соҳибини эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, Аллоҳ азза ва жалланинг “Батаҳқиқ, сизлар Расулуллоҳда гўзал намуна бор” деган сўзини эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, мўъминларга раъуф ва раҳийм бўлган пайғамбарни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, оламлар Рабби Аллоҳ азза ва жалланинг “Сенинг умринг ила қасамки...” деган сўзини эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, унга оламлар Рабби Аллоҳ азза ва жалланинг каломи Қуръон берилган зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, унга ҳавзи Кавсар берилган зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, унинг сўзи Аллоҳ азза ва жалланинг каломи Қуръонга баён бўлган зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, Аллоҳ азза ва жалланинг раҳмати ўлароқ, мўъминларга мулойим бўлган зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, Аллоҳ азза ва жалла у зотни гувоҳлик берувчи, хушхабар элтувчи, огоҳлантирувчи ва Ўз изни ила Аллоҳга даъват қилувчи ҳамда нурли чироқ қилиб юборилган буюк зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, Одам зурриётларининг саййидини эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, Макка кўчаларида тоғу-тошлар ва дов-дарахтлар у зотга салом бенган буюк зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, қаерга бормасинлар, албатта, у зотни бир булут соя солиб турган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, “Буроқни” миниб Маккадан Қуддусга сайр қилган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, ердан еттичи осмон сидратул-мунтаҳогача кўтарилган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, сидратул-мунтаҳога кўтарилганда у ерда қалам товушларини эшитган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, жаннат ва дўзахга кириб, унинг хабарини ўз умматига бекаму-кўст еказган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, барча гўзал хулқлар соҳиби бўлмиш буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, барча сўзлар калити бўлмиш ҳикмат ила сўзлаган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, қўполликка мулойимлик ила жавоб берган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, ёмонликни яхшилик ила қайтарадиган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, яхшиликка ундан яхшироғи ила жавоб берган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, ўз қўл остидагиларга шафқатли ва меҳрибон раҳбарни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, ўз қўл остидагиларга адолатли бўлган раҳбарни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, оқил ва доно сиёсатчини эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, ўз аҳлига раҳимдил бўлган зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, ўз аёлларига вафодор ва садоқатли ёр бўлган зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, фарзандларига меҳрибон ота бўлган зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, дўстларига ҳалим бўлган зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, ваъдага доим вафо қилган зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, хиёнат нима билмаган зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, доим рост сўзлаган зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, ёлғон нима билмаган зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, барча қийинчилик ва машаққатларда ўз умматига сабр-бардошли бўлишда гўзал намуна бўлган зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, Аллоҳ азза ва жаллани ҳар аҳёнда эслаб зикр қиладиган зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, “Мени намоз ўқиётганимни кўрганингиздек намоз ўқинг”, деган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, намозда гўдакнинг йиғисини эшитиб, узун қилмоқчи бўлган намозни қисқа қилган зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, тунги намозда оёқлари шишиб ёрилган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, ўзингизга раҳм қилинг дейилганда “Аё шукр қилувчилардан бўлмайин-ми?”, деган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, жамоат намозида заифлар, бетоблар ва ҳожатмандлар борлиги сабабидан намозни енгил ўқишга буюрган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, “Ўзинг ҳам молинг ҳам отангникидир”, деган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, беш вақт намозини ўқиган, бир ой рўзасини тутган ва эри итоатида бўлган аёлга саккиз жаннатни ваъда қилган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эласам, “Яримта хурмо бериб бўлса ҳам дўзахдан сақланинглар” деган буюк зотни эсламан.

Расулуллоҳни эсласам, қиёмат куни энг биринчи ерни ёриб чиқадиган зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, қиёмат куни энг биринчи шафоат қилувчи буюк зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, қиёмат куни “ҳамд” байроғини муборак қўллари ила тутиб турадиган буюк зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, қиёмат куни Одамдан тортиб барча набийлар унинг байроғи остида турадиган буюк зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, қиёмат куни ҳисоб-китоб майдонида фақат “Умматим, умматим” (унга нажот бер) дейдиган буюк зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, қиёмат куни ўз умматини таҳорат изларидан таниб оладиган буюк зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, жаннат ҳалқаларини энг биринчи тутадиган буюк зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, жаннатга энг биринчи кирадиган ва у зот билан бирга мўъминлардан бир тоифа фақирлар бўладиган буюк зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, “ Ким менга битта саловот айтса, Аллоҳ унга ўнта саловот айтади ва кимки менга ўнта саловот айтса, Аллоҳ унга юзта саловот айтади ва кимки менга юзта саловот айтса, Аллоҳ уни икки кўзи орасига мунофиқликдан покликни ва дўзахдан омонда қолишни ёзиб қўяди ва қиёмат куни уни шаҳидлар билан бирга қиладиган” деган буюк зотни эслайман.

Расулуллоҳни эсласам, Аллоҳ аzza ва жалланинг “Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга саловот айтурлар. Эй иймон келтирганлар! Сиз ҳам унга саловот айтинг ва салом юборинг” деган сўзини эслайман.

Аллоҳумма солли ва саллим ва баарик аълайҳ!!!

Зуфаржон Шосалимов тайёрлади